Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 27 июнь, сешанба. №76 (21.839.) Сотувда эркин нархда.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Азиз биродарлар!

Эришган меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин!

Давлатга 80 минг тоннадан ортиқ дон сотиб, белгиланган режани уддалаганингиз билан ўзларингизнинг фидойилигингизни, матонатингизни, истиқлолимиз бахш этган шукуҳли кунларимизнинг бебаҳолигини чин дилдан қадрлашларингизни ва эртанги порлоқ кунимизга қатъий ишончингизни яна бир карра намойиш этдингиз.

Мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш борасида Сиз, азиз наманганликлар амалга ошираётган эзгу ишларни юқори қадрлайман ва бу борадаги ғайрат-шижоатли меҳнатингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларга, азиз дўстлар, сиҳат-саломатлик, омонлик, бахту иқбол ва эзгу ниятлар йўлида улкан муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ў.Қ. ИСМОИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўктам Қўчқорович Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 июнь.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигига

Айни кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кетяпти. Меҳнат аҳли халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фидокорона ишлаб, юртимиз бойлигига бойлик қўшмоқда. Улар Ватанимизни янада гуллаб-яшнаши, иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши йўлида тер тўкаётирлар, меҳнатда самарали ютуқларга эришаётирлар. Бу ҳақда таҳририятимизга жойлардан турли қувончли хабарлар келиб турибди. Қуйида ушбу хабарлардан айримлари билан танишасиз.

МАРРАГА ЕТИШДИ

Қашқадарёлик «кумуш тола» ижодкорлари топширган пилла 2105 тоннадан ошиб кетди. Ҳар қути уруғдан ўртача 53 килограмм ҳосил олинди.

ПИЛЛА — ТИЛЛА ДЕГАНИ

Навоий вилояти «кумуш тола» ижодкорлари топширган пилла 650 тоннадан ошиб кетди. Катта хирмонга хатирчиликлар 221 тонна, қизилтепаликлар 179 тонна, навбаҳорликлар 155 тонна ҳосили билан салмоқли улуш қўшди.

МЎЛЖАЛ 13 МИНГ ТОННА

Учқўприк тумани ғаллакорлари қабул пунктларига 5570 тонна ғалла етказиб беришди. 3810 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтарилди. Ғаллакорлар ялпи хирмонни 13 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

ХИРМОН ЮКСАЛМОҚДА

Китоб туманидаги «Китоб» жамоа-ширкат хўжалиги деҳқонлари қабул пунктларига 340 тонна ғалла етказиб беришди. Ҳосилдорлик ўртача 34 центнерни ташкил этди. Ғалла ўримйиғими давом этмоқда.

ЭРКИНЛИК САМАРА БЕРДИ

Риштон туманидаги марказий дорихона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани туфайли аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш яхшиланди. Дорихона жамоаси шу пайтгача бўш ётган бинода мўъжаз дори ишлаб чиқариш цехини очди. Зарур асбоб-ускуналар мамлакатимиз ҳамда хориждаги тиббий муассасалардан олиб келинди. Ҳозир бу ерда гемодез, қон зардоби учун қўшилмалар ва турли доривор гиёҳлардан дори-дармонлар тайёрланяпти.

ИСТЕЪДОД МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган марказлар сафига республика истеъдод маркази ҳам қўшилди.

Истеъдод маркази асосан психологик танлов услубиятларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганади, истеъдодли болаларнинг қобилияти қайси соҳаларга мослигини аниқлайди. Бу ишлар замонавий компьютерларда бажарилади. Танлаб олинган болалар ўқиш учун махсус мактаб ёки олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кафолат билан тавсия этилади.

Марказга кўпгина жамғарма ва ташкилотлар ҳомийлик қилади.

БАСТАКОРНИНГ ТУҲФАСИ

Хоразмлик бастакор Исмоил Оллоберганов «Ўзбекистон» деб номланган симфоник поэма ёзди. Она юрт мадҳияси, истиқлол нашидаси, эркин ҳаётни куйловчи асар мустақиллигимизнинг тўрт йиллик тўйига бағишланган.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги фермер хўжаликлари орасида сут топшириш бўйича «Савай» қишлоқ хўжалик-саноат уюшмасидаги фермер Комилжон ака Содиқов биринчиликни олди.

Шу йилнинг биринчи ярмида Комилжон аканинг набираси номи билан аталувчи «Аваз» фермер хўжалиги уюшмаси аъзолари 64 сигирнинг ҳар биридан икки минг килограммдан ёғлиқ сут олишди. Хўжалик ишчилари йил охиригача ҳар бир сигирдан 4 минг килограммгача сут соғиб олишни мўлжаллашяпти, бу эса ўтган йилдагидан 300 килограмм кўпдир.

«Аваз» фермер хўжалиги чорвадорлари йил охиригача 75 тонна сут сотишни мўлжаллашяпти.

(ЎзА ва мухбирлар хабарлари асосида тайёрланди).

Иқтисодиёт

ИЗЛАНИШ — ИСЛОҲОТ ТАЛАБИ

• ТОШКЕНТ (вилоят мухбиридан). Маълумки, 1995 йил юртимизда иқтисодий барқарорлик йили деб эълон қилинди. Чирчиқликлар ҳам бунга ўз ҳиссаларини қўшиш учун саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра кўпгина корхоналар режада белгиланганидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдилар. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Ўзбеккимёмаш» ҳиссадорлик жамияти, Трансформатор заводи ва бошқа корхоналар шулар сирасига киради. Металлар комбинатидан АҚШ, Германия, Польша, Исроил, Ҳиндистон каби мамлакатларга жўнатилаётган маҳсулотлар ўтган йилдагидан кўпайди. Янги ёрдамчи цехлар ишга туширилди. «Ўзбеккимёмаш»да эса ўтган йили жами 88 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 200 миллион мўлжалга олинган: Айни пайтда целлюлоза тайёрлаш устида иш олиб бориляпти. Нефтни қайта ишлаш ускуналарини яратиш бўйича ҳам лойиҳа тайёрланяпти.

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА»

26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли янги китобини таништириш маросими бўлиб ўтди.

Унда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Маросимни Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дуст очиб, муаллифнинг ушбу китобда акс этган мулоҳазалари, Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг чуқур таҳлили ва истиқболи хусусидаги фикрлари билан йиғилганларни қисқача таништирди.

Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва сўзга чиққан бошқа кишилар, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини тўла шакллантириш, ислоҳотларнинг иккинчи босқичи ва Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти тизими билан яқинлашуви жараёнида мазкур асар муҳим қўлланма бўлишини таъкидладилар.

«Ўзбекистон» нашриёти томонидан ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган китоб икки қисмдан иборатдир. Унинг биринчи қисмида иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки якунлари ва сабоқлари таҳлил этилса, иккинчи қисмида ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида бажариладиган вазифалар ҳамда устивор йўналишлар ўз аксини топган.

Маросим қатнашчилари ушбу китоб Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг ўзига хос томонларини ўрганишда муҳим манба бўлишини таъкидладилар.

(ЎзА).

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Сахалин оролида вайронагарликка сабаб бўлган кучли зилзила юз бергани муносабати билан ҳамдардлик билдирган дўст Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига, шахсан Президент Ислом Каримовга, давлат ва жамоат ташкилотларига, меҳнат жамоаларига, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига самимий миннатдорлик билдираман.

Табиий офатдан жабр кўрганларга сизнинг мададингиз, моддий ёрдамингизни ҳамда зилзила оқибатларини тугатишда кўмак беришга тайёрлигингизни россияликлар халқларимизни бирлаштириб турган юксак дўстлик ва қардошлик туйғуларининг чинакам ифодаси деб қабул қилдилар.

Ф. СИДОРСКИЙ,
Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.

АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ

26 июнь куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Савдонинг ҳуқуқий ва иқтисодий йўналишлари ҳамда унга сармоя жалб этиш масалалари» мавзуида семинар иш бошлади.

БМТнинг қайта тайёрлаш ва таҳлил институти, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташаббуси билан уюштирилган ушбу анжуманда республикамизнинг тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этмоқда. Иштирокчилар беш кун давомида савдони маблағ билан таъминлаш, унга сармоялар жалб этиш, савдонинг ўтиш даврида тутган ўрни, экспортни ривожлантириш йўллари, шунингдек, бошқа кўплаб мавзуларда мунозара юритадилар.

(ЎзА).



Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигида ҳосил чўғи 40 центнердан ошай деб турибди.

Ҳозир бўғдойзорларда 19 та комбайн ишламоқда. Шундан 9 таси хўжаликники бўлса, 9 таси Тожикистондан келган. Биттаси — Ғаллаороллдан. Икки қардош мамлакат ғаллакорлари куч-ғайратни бирлаштириб, далаларда зўр шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Тожик комбайнчилар иссиқ овқат ва вақтинчалик турар-жой билан таъминланишган. Ўрим-йиғимни ҳаммаси бўлиб 15 кунда ниҳоясига етказишмоқчи.

СУРАТДА: ёрдамчи комбайн ҳайдовчиси ёрдамчиси Рустам Худойбердиев.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳовли тўйлари

ФАХРИЙЛАР УЧУН УЙЛАР

• БУХОРО (мухбиримиздан). Пешку тумани маркази — Янгибозорда ободончилик ишларига аҳамият берилмоқда. Яқинда бу ерда янги турар жой бинолари фойдаланишга топширилди.

Шинам бу уйларни 202-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна қурувчилари бунёд этдилар. 14 оилага мўлжалланган, барча қулайликларга эга бўлган бу уйлар асосан уруш ва меҳнат фахрийларига ажратилгани барчани қувонтирди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ВОДИЙДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

Мамлакатимизда бу йил биринчи бор кўппартиялилик асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилган сайловлардан сўнг, юртимизда янги ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келди. Хўш, бундай шароитда партиямиз тузилмавий бўғинлари, хусусан, бошланғич ташкилотлари қай тарзда фаолият кўрсатиши керак? Бу борада тўпланган илк тажрибаларни умумлаштириш, улар олдида кўндаланг бўлаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда ташкилотларимизнинг давр билан ҳамоҳанг қадам ташлашларини таъминлаш билан боғлиқ биринчи галдаги вазифаларни белгилаб олиш муҳим ишдир. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси қарорига биноан ушбу масалаларга бағишлаб ўтказилаётган минтақавий семинар-кенгашларнинг сўнггиси яқинда Андижонда бўлди. Унда ХДПнинг Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятлари, мазкур минтақадаги туман ва шаҳар кенгашлари котиблари, партия матбуоти ва Андижон вилояти оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Анжуманда партиямиз Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари» ҳақида маъруза қилди. Маърузада Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун ва моҳияти, Халқ демократик партияси ташкилотларининг ислоҳотлар янги босқичидаги ўрни ҳамда иштироки, шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари каби масалалар атрофлича ёритилди.

Ўзбекистон ХДП Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлар кенгашларининг биринчи котиблари: Р. Мухторов, А. Мирсалимов, Н. Қозоқов, қатор туман ва шаҳар партия кенгашларининг етакчилари ҳам сўзга чиқиб, бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш, улар сафларини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларнинг изчил рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш самарали бўлишини таъминлаш, аҳоли истиқомат жойларида партиявий таъсирни кучайтириш сингари долзарб масалалар бўйича ўзаро фикр юритдилар. Тадбир қатнашчилари Андижон ип газлама комбинати ҳамда шаҳардаги «Бирлик» маҳалласи бошланғич партия ташкилотларининг иш тажрибасини ўргандилар. ЎзДЭУ қўшма корхонасига бориб, унинг фаолияти билан танишдилар.

Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Назиржон Саидов йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Қ. Авезов, Андижон шаҳар ҳокими А. Собировлар иштирок этишди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЛОҚАЙДЛИК ПАНД БЕРАДИ»

«Амударё Қорақалпоғистондагина эмас, бутун Ўзбекистон Республикасида йирик пахтакор туманлардан. Бир пайтлари туманда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, тайёрлаш режалари барвақт адо этиларди. Кейинги йилларда эса қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорлик кескин камайиб кетди». Газетамизнинг шу йил 4 май сонидаги «Лоқайдлик панд беради» сарлавҳали танқидий мақола ана шу сатрлар билан бошланган эди. Мақола юзасидан Амударё туман ҳокими Ф. ЭРМАНОВ қуйидагича жавоб йўллади:

Амударё туман ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» рўзномасининг «Лоқайдлик панд беради» сарлавҳали танқидий мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу танқидий мақолада ёритилгани каби, 1994 йилда номлари қайд қилинган «Мангит», «Қипчоқ», Бердақ номли, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон», И. Ўрозбоев номли, «Туркманистон» ва «Қиличбой» жамоа хўжаликларида белгиланган режалар бир қанча маҳсулот турлари бўйича бажарилмай, давлатимиз олдида қарздор бўлиб қолдилар. Бу масалалар йил охирида муҳокама қилиниб, 1995 йилда олдинги хато-камчиликлар такрорланмаслиги, белгиланган режаларни ортиғи билан бажариш мақсадида чоратадбирлар ишлаб чиқилди. Ўз ишларига совуққонлик билан ёндошганликлари учун «Қипчоқ» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Пирманов, шу хўжалик бош ҳосилоти Р. Атажанов, «Қиличбой» жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Р. Ҳайитов ўз лавозимларидан бўшатилди. «Қиличбой» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси И. Эркабоевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

«Лоқайдлик панд беради» сарлавҳали танқидий мақола фаоллар йиғилишида ҳам муҳокама қилиниб, аниқ иш режалари белгилаб олинди. Юқоридаги камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб 1995 йилда белгиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш режаларини ошиғи билан бажариш учун барча чоралар кўрилмоқда. Утган йили гектаридан 3-4 центнердан бўғдой етиштирилганлигидан хулоса чиқарган деҳқонларимиз ва мутахассисларимиз бу йил тўлиқ бўғдой ниҳоллари ундириб олдилар ва сифатли парвариш қилдилар. Етиштирилган бўғдой ҳосилини нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун мавжуд техникаларни таъмирлаш ва созлаш ишлари тугалланди.

Амударё туман ҳокимлиги ва хўжалиги раҳбарлари 1995 йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режаларини тўла бажаришга, қишлоқда туб ислоҳотларни амалга оширишга старли эътибор берадилар.

УМРНИНГ БИР БЎЛАГИ

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

Улкан саройлар, иморатлар ҳам битта ғиштдан бошланади. Осмонўпар биноларнинг негизини алоҳида-алоҳида, айни пайтда ўзаро бириккан ғиштлар силсиласи ташкил этади. Биринчи ва ундан кейинги ғиштлар нечоғли пишиқ бўлса, иморат шунчалик мустаҳкам туради. Назаримда, партиямиз ана шу мустаҳкам иморатга ўхшаши керак. Унинг ҳудудий, бошланғич бўғинлари қанчалик жипс, улар орасидаги ўзаро боғлиқлик нечоғлик уйғун бўлса, сафимиз ҳам мустаҳкам, бутун ва метиндек қудратли бўлади.

Янгийўл шаҳридаги 8-ғишт заводи бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан танишар эканмиз, хаёлимиздан ана шундай фикрлар кечади. Бу жамоада 300 нафар ишчи меҳнат қилади. Партия аъзолари сони эса ўттизта. Ҳар ўнтадан бир ишчи ХДП аъзоси. Бу озми, кўпми? Бир қарашда озга ўхшайди. Лекин, назаримизда, жудаям ундай эмас. Чунки мамлакатимизда тўртта партия фаолият кўрсатаётганини, тўртала партия ҳам ўз аъзолари сонини кенгайтириш учун курашаётганини назарда тутсак, юқоридаги далилни илгари суришимизнинг сабаби ойдинлашади.

— Биз сонгагина эмас, сифатга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз, — дейди корхона бошланғич партия ташкилоти котиби Шаханбой Холбоев. — Янги аъзоларни, таъбир жоиз бўлса, чертиб-чертиб оламиз. Айни пайтда сафимизни кенгайтириш, сафдошларимизнинг партиявий эътиқодини мустаҳкамлаш йўлида кучимиз етганича меҳнат қиляпмиз. Ишимизни мазмунан бойитишга, қизиқарли шаклар ўйлаб топишга интиламиз. Негаки, бир хиллик одамларни тез зериктиради, бездиради. Ишимизда шакл ва мазмун янгилиги бўлса, бу бизни-кузатиб турганларни қизиқтириб қўяди. Ана шу қизиқиш, эл-юрт истиқболи олдидаги масъулият, буюк келажак яратишга дахлдорликни ҳис этиш кишиларни бизнинг сафимизга тортмоқда. Ҳозир одамлар қилган, қилаётган ва қилишинг мумкин бўлган ишингга қараб баҳо берадилар.

— Фаолиятимизнинг заиф жиҳати ҳақида сўраяпсизми? — дейди корхона директори, ХДП аъзоси Ўткиржон Маҳмудов. — Тўғри, ишимиздаги нуқсон ва камчиликлардан кўз юммаймиз. Афсуски, улар баъзан ўзингга боғлиқ бўлмай қолади. Баъзан, қанча хоҳлаган билан, беихтиёр эскича иш услубга мурожаат қилишга тўғри келади. Бир қолипга тушиб қолган, ибтидосидаёқ интиҳоси кўриниб турган тадбирларни узлуксиз ўтказавериш ҳам етарли самара бермаяпти. Тадбирларни ҳар бир жойнинг шарт-шароити, элнинг хулқу атвори, дунёқараши, урф-одатларидан келиб чиқиб ўтказиш керак.

Биз шаҳарнинг Самарқанд кўчасидамиз. Йўл четидаги замонавий меъморий услубда қурилган бекатларни, кўркам савдо шохобчаларини кўриб кўз қувонади. Уларнинг ғишти биз сўз юритаётган 8-заводда пишган. Бир неча йил илгари бу ерлар ташландиқ ва қаровсиз эди. Энди-чи?.. Эҳтимол, котиб тилга олган ишдаги шакл ва мазмун янгилиги шудир? Шаҳар йўл тармоқларининг катта қисми таъмирланди. Илгари бу йўллардан ўтган машиналарнинг «ичаги узиларди». Энди-чи? Йўллар асфальт, равон. Балки, котиб корохона ишидаги янги шакл ва мазмун ҳақида ғапирганда шуларни назарда тутгандир? Неча йиллардан буён дарахтлари қуриб, кўримсиз маконга айланган истироҳат боғи тадбиркор ва ишбилармон директор Ў. Маҳмудов ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ёш-яланғнинг севимли масканига айланди. Ёш келин-куёвлар бу ерга сайру томошага, дўсту биродарлар дийдор кўришишга келишадиган бўлди. Эҳтимол, кузатиб турганларни қизиқтириб қўйишга, шу сабабли партия сафини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга сабаб бўлган, ишдаги шакл ва мазмун янгилиги шудир? Эскириб қолган болалар боғчасининг биноси таъмирланди. Бу ишга ҳам директор шахсан бош-қош бўлди. Энди янги, замонавий боғчада келажагимиз бўлмиш болалар яйраб ўсишмоқда. Улар партиямизнинг ҳам келажаги.

Янгийўлдаги 8-ғишт заводи 1931 йилда ишга туширилди. Завод атрофида дастлаб қишлоқ, посёлка, сўнг шаҳар бунёд бўлди. Аммо, четдан бирорта ҳам ғишт келтирилгани йўқ. Завод ўз ғишти билан бутун бошли бир шаҳар қуриб берди. 64 ёшида завод қайта кучга тўлмоқда. Шу пайтгача заводга нене раҳбарлар келиб кетмади, дейсиз. Лекин бирортаси ҳам уни қайта таъмирлашга ботинолмаган эди. Ў. Маҳмудов ана шу ишнинг уддасидан чиқди.

Ҳозир корхона раҳбарияти ишчи-хизматчиларнинг уй-жой муаммоси ва яшаш шароитини яхшилаш режасини тузган. Жамоа аҳлига фойда ҳисобидан қанд, гўшт, тухум, ун, гуручни бозордагидан анча арзон нархда сотмоқда. Кам таъминланган оилаларга эса бу нарсалар бепул берилади. Яқинда ўн беш нафар боланинг қўли ҳалолланди.

Бир кишида жамоанинг, жамоада бир кишининг манфаатлари мужассамлашган. Барибир, корхонада ҳамма иш силлиқ эмас. Хом ашё танқис. Янги, энг замонавий асбоб-ускуналар керак. Янги технологияни ўзлаштириш, ғишт турларини кўпайтириш, рақобатда ютиб чиқиш лозим. Малакали мутахассислар зарур. Молиявий масалалар...

Янги йўл шаҳридаги мазкур ғишт заводига «Ижодкор» деб ном қўйилган. Бу номни ким ва нима учун қўйганини билмаймиз-у, билганимиз «Ижодкор» корхонасининг оддий ишчисидан тортиб раҳбаригача чиндан ҳам ижодкор кишилардир.

Холида ҲАЛИМБОЕВА.

Хабарингиз борми?

ЯНГИ АВТОСАЛОН ОЧИЛДИ

Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тасарруфида 1992 йили ташкил этилган «Ўрта Осиё транс» корхонаси қисқа муддат ичида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ишбилармонлари билан мустаҳкам алоқа боғлади. Ҳозир белига қоплон рамзи туширилган ушбу корхона автомашиналари дунёнинг 20 дан зиёд давлатига юк ташиб, юк олиб қайтмоқда. Ишончли ҳамкор бўлиб қолган компания билан ўзаро фойдали шартномаларни имзолашга интилаётган чет эл фирмалари сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

— Ўтган уч йил ичида аҳил жамоамиз маъсулиятли, лекин фахрли юмушларни уддалаб келмоқда , — дейди «Ўрта Осиё транс» компанияси бош директори Ҳусайин Абдураҳманович Гусейнов. — Мана эртанги кунга ишониб қилган меҳнатимиз самарасини бермоқда. Айни кунларда тасарруфимиздаги жаҳонни кезаётган 350 та оғир юк ташийдиган машиналаримиздан 250 таси Олмониянинг «Мерседес Бенц» русумли кучли автомобилларидир.

Куни кеча «Ўрта Осиётранс» компаниясида қувончли воқеа юз берди. Бу ерда жаҳон андозаларига мос энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги бинонинг очилиш маросими бўлди. Эндиликда бу янги бинода халқаро бошқарув маркази жаҳоннинг қай нуқтасида компания автомобиллари юрганидан хабардор бўлиб туради. Улар билан тўғридан-тўғри алоқани ўрнатаверади. Бинонинг биринчи қаватида эса замонавий автомобиллар салони жой олган. Мазкур салонда жаҳоннинг ҳар қандай йирик автомобиль фирмалари вакиллари келиб, ўз маҳсулотларини кўргазмага қўйишлари мумкин. Қувонарлиси, махсус фирмаларнинг маслаҳатхоналари ҳам шу салондан жой олган.

Янги бинонинг очилиш маросимида республика Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: янги бино очилиш маросимидан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

БЕМИННАТ ЁРДАМ

Тошкент шаҳри автокорхоналари Ғаллаорол тумани ғаллакорларига ўриб-янчилган ҳосилни ташишда ёрдамга келишди. Дастлабки 60 та юк ташиш машиналари туман хўжаликларига ёрдам бермоқда. Яқин кунларда уларнинг сони 166 тага етади.

Шунингдек, «Жиззахтранс» концернига қарашли 50-автокорхонанинг 20 та автомашинаси ҳам ғаллакорларнинг хизматида бўлмоқдалар. Шаҳарлик ҳайдовчилар ўрим даврида 60 минг тонна ғаллани ташиб берадилар. Туманда ўрим-йиғим кун сайин авжга чиқмоқда. Тошкент трактор заводининг жамоаси ҳам шартнома асосида деҳқонларга амалий ёрдам бермоқда. Улар хўжаликларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаяптилар. Ўримда техникани таъмирлаш учун гуруҳлар тузилган.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

"ТУРОН"
ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ
70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Konica U-BIX"
нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.
Кафолат - бир йил.
Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.
Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.
Телефон: (3712) 44-59-55.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

ХДП тадбиркорларни қўллаб-қувватлаяпти

ЭРТАНИНГ ТАЛАБИ АСОСИДА

ХОРАЗМ. Вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хазорасп туманидаги Абдулла Ёқубов номли фермер хўжалигига Яраш Қурбонов бошчилик қилади. Тадбиркорлар ўтган йили 12 тонна сут, 1200 килограмм гўшт топширганди. Жорий йилнинг беш ойидаёқ маҳсулот топшириш ўтган йилги кўрсаткичлардан анча ошиб кетди. Ҳозир фермер хўжалигида 40 бош қорамол бўлиб, шулардан 18 бош соғин сигирлардир.

Шунингдек, фермерлар асаларидан ҳам даромад олишяпти. Хўжалик қошида ташкил қилинган тикувчилик цехидаги ишлар ҳам чакки эмас. Бир сўз билан айтганда, эртанинг талаби асосида ишлаш уларнинг шиорига айланган.

Ўзбекистон ХДП Хазорасп туман кенгаши фермер хўжалиги фаолиятини маънавий қўллаб-қувватлаб, уларнинг тажрибасини кенг ёйишда жонбозлик қиляпти.

Курбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ
умумтаълим мактабларининг 9- ва 10-синфларини яхши ва аъло баҳоларга битирган иқтидорли ўқувчиларни 10- ва 11-синфларга
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ариза топширган ўқувчилар физика ва математика фанларидан синов суҳбатидан ўтадилар.
Лицейда ўқиш текин, махсус кийим, ётоқхона ҳам бепул. Овқат учун харажатларнинг 50 фоизи ота-оналар ҳисобидан бўлади. Лицейда дарс машғулотларини институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ўзбек ва рус тилларида олиб борадилар.
Ҳужжатлар 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
1. 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома;
2. 11-синфга кирувчилар давомат табели;
3. 086—У тиббий варақаси;
4. 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат — 12 дона;
5. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасининг нусхаси;
6. Турар жойидан оилавий шароити ҳақидаги маълумотнома.
Мурожаат учун манзилгоҳ:
Тошкент, 700000 ГСП, Қори-Ниёзий кўчаси, 39, 12-ўқув биноси. Телефон: 35-33-54.

ТАШКИЛОТ
Тошкент шаҳридаги омбордан сиғими 50 кг. ли полипропилин қопларни пул ўтказиш йўли билан
СОТАДИ.
Телефонлар: 44-23-13, 44-31-36.
Манзилгоҳ: Тошкент, А. Қодирий кўчаси, 7-а уй, 309- хона.

Акциядорлар иш тажрибасидан

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

технология асосида бежирим кошинлар Бухорода тайёрланади

Хўш, Бухородa бундай зарур қурилиш ашёси айнан қаерда тайёрланар экан? Шундай саволнинг бўлиши табиий. Ахборотингиз учун маълум қиламиз: кўҳна шаҳардан Когон томон кетишдаги катта йўл ёқасида Разани қишлоғи деган манзилгоҳда (бу жойни халқ «Саньат зонаси» ҳам деб атайди). «Минокор» акционерлик жамиятининг 210 кишилик жамоаси ана шундай ранг-баранг кошинларни тайёрлаб беради.

Аввало, газетхонга акция, акционерлик бирлашмаси хусусида икки оғиз изоҳ берайлик. Негаки, бозор иқтисодиёти туфайли бу сўзлар тез-тез такрорланса-да, унинг маъносини ҳамма ҳам дафъатан тушунтириб бера олмайди. Иқтисод илми тили билан айтганда акция — акционер жамияти чиқарган қийматбаҳо (даромад келтирувчи) қоғоздир. Акция эгасининг шу жамият маблағига қўшган ҳиссасини ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини дивиденд тариқасида олишини, уни бошқариб туришда қатнаша олишини тасдиқлайди. Дивиденд эса акционерлик жамият фойдасининг акция эгасининг даромадига айланган қисмидир. Акционерлик жамияти — турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида ҳамда соҳибкорлик мақсадида бирлаштирадиган жамоадир.

Биз ҳикоя қилаётган «Минокор» акционерлик жамияти ҳам иқтисодиётнинг ана шу қоидаларига биноан бундан бир неча йил муқаддам»Бухороптбиржаторг», «Бухорогазпромстрой», Тошкент қурилиш материаллари ижара комбинати, «Бухорожамоахўжаликқурилиш»нинг 1 ва 2 трестлари, «Бухоро» ташқи иқтисодий ассоциацияси каби корхоналарнинг ҳамкорлиги натижасида вужудга келди. Акционерлик жамияти ўз ривожланиш қонуниятига кўра бутун жамоа аъзоларининг якдиллик билан ишлашини тақозо этади. Шу боисдан эришилаётган ҳар бир натижа, иқтисодий кўрсаткич нафақат раҳбариятни, балки жамоанинг ҳар бир аъзосини теппа-тенг қизиқтиради. Унумли ишлашдан, тежамкорликдан манфаатдор бўлиш ҳамманинг ягона шиорига айланган. «Минокор» чилар қисқа фурсатда таннархи арзон маҳсулот ишлаб чиқаришга, айни пайтда уни тезроқ истеъмолчига етказишга ҳаракат қилишади.

Улар тайёрлаган бир-биридан бежирим, 20 дан зиёд рангда товланувчи қоплама кошинлар (кафель) аллақачон кўплаб хонадонларни, йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг маиший биноларини безаб келмоқда. Бу ерда жорий этилган технология Марказий Осиёда ягона, МДҲ ҳудудида эса Москва вилоятидаги шу турдаги корхонадан кейин иккинчисидир. Гап шундаки, «Минокор»да Италиянинг «Сити» фирмасининг жаҳон андозаларига мос келувчи технологияси жорий этилган. Йўқ, бу қўшма корхона эмас, балки ҳиссадорлар олис Италиядан ана шу технологияни сотиб олишган. Биргина рақам: «Сити» фирмаси ўз технологияси учун акцияларнинг тўрт фоизига эга бўлади, бу 80 минг АҚШ доллари демакдир. Шундан ҳам «Минокор» акционерлик жамиятининг иш қамровини тушуниб олиш мумкин.

Ҳисоб-китоб бор жойда, Ҳар бир тийин келтирар фойда.

Бухороликлар тайёрлаётган кафелнинг катталиги асосан 20х20 ва 20х25 сантиметр ҳажмдадир. Бу жаҳон андозаларига мос келиб, унинг ҳар квадрат метри 100 сўмдан 240 сўмгача баҳоланади. Кошинлар таркибига ишлатиладиган хом ашё турлари 20 дан зиёддир. Чунончи, каолин Ангрендан, тупроқ Қаршидан, пегматит Навоий вилоятидан, кальций содаси Уфа шаҳридан, бўр Саратов шаҳридан, руҳ оксиди Ставрополдан, кварц қуми Тожикистоннинг Ҳўжандидан, қатор хом ашёлар Қозоғистоннинг Павлодарь, Чимкент ва Актюбинск шаҳарларидан келтирилади. Кошинкорлар жорий йил бошидан уч сменали ишни йўлга қўйишган. Бу дегани бир кеча-кундузда 1200—1500 квадрат метр ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхонанинг бир йиллик қуввати 450 минг квадрат метрга етади. Бу ерда ишлаётган ҳар бир ишчи акциянинг лоақал бир фоизини (бу 2500 сўмга тўғри келади) сотиб олса, бир йилда ана шу маблағ 8000—10000 сўмга етади, ҳатто ундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида корхонадан маҳсулот учун Самарқанд, Тошкент, Хоразм ва Қорақалпоғистон томонлардан мижозлар келиб туришибди. Юксак дид билан тайёрланган кошинни бир марта ишлатиб кўрган харидор унга ишқибоз бўлиб қолиши турган гап. Бир томони сир билан қопланган кошиннинг орқа тарафига эътибор бермасангиз ажиб нақшларга кўзингиз тушади . Тўғри бу нақшлар деворга қоплангандан кейин орқа томонда қолиб кетади, лекин кошинларнинг мустаҳкам ёпишишида ана шу нақшлар жуда-жуда иш беради.

Ўз иш фаолиятларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта қураётган «Минокор» акционерлик жамияти аъзолари бу ютуқлар билан чегараланиб қолаётганлари йўқ.

— Яқин келажакда худди ана шу хом ашё ҳисобига чинни идишлр тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз, — дейди ацион ерлик жамияти раиси Матёқуб Қиличев. — Айни пайтда йилига 125 минг квадрат метр ҳажмида эшик-деразалар тепасига қўйиладиган плиткалар ишлаб чиқариш бўйича «СМК-158» линиясини ишга тушириш юмушларимиз ниҳоясига етмоқда. Муаммолар ҳам етарли. Улардан бири тайёрланган маҳсулотимизни МДҲ мамлакатларига жўнатиш учун ўраш-жойлаш идишларида тақчилликка йўл қўйилмоқда.

Ҳа, «Минокор» акционерлик жамиятининг келажаги порлоқ. Баракали меҳнат қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини мумкин қадар арзонлаштириш самаралари бу йил айниқса яққол кўзга ташланмоқда, корхона аҳли 1995 йилни иқтисодий юксалишларнинг бошланиш санаси деб ҳисоблашяпти. Бу бежиз эмас. Ҳиссадорларнинг кўпдан буён кўзлаган орзулари амалга ошмоқда: сарфланаётган сўмлар тобора қувватга киряпти.

Бухорода тайёрланаётган бу кошинларни қўлингизга олиб қарасангиз қуёш нурида ўзгача товланади. Кўп ўтмай мазкур маҳсулотнинг мижозлари кўпайиб кетишига шубҳа йўқ. Биз эса катта саъй-ҳаракат натижасида тайёрланаётган ана шу қурилиш материаллари энг аввало Ўзбекистонимиз. бағрида жойлашган хонадон ва биноларни безаса дегандик.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

«МАНАС»НИНГ МИНГ ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон байналмилал маданий марказида қирғиз халқ ижодиётининг сўнмас намунаси — «Манас» эпосининг 1000 йиллигига бағишлаб илмий анжуман бўлди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги адабиёт институти, Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Франция элчихонаси қошидаги Марказий Осиёни ўрганиш илмий тадқиқот институти ва қирғиз маданий маркази ҳамкорликда ўтказган бу анжуманда манасшунос олимлар, ёзувчилар, таржимонлар, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси, адабиётшунос олим С. Жигитов «Манас» эпосининг дунё маданиятида тутган ўрни ҳақида гапирди. Йиғилишда, шунингдек, Манас ва ўзбек фольклори, унинг ўзбек тилига таржимаси ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар «Манас» бутун Турон халқининг миллий қаҳрамони, унда яшовчи юрт ва элатларнинг қон-қардошлиги ва якдиллиги тимсоли эканини таъкидладилар.

ИНДОНЕЗИЯГА РАСМИЙ САФАР

АЛМАТИ. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Индонезияга расмий ташриф буюрди. У бу ерда Индонезия Президенти Сухарто билан учрашади. Ўзаро музокаралар чоғида кўп миллатли бу икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Қозоғистон раҳбари Жанубий-Шарқий Осиёда жойлашган Индонезиянинг иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, саноатлаштириш ҳамда сармоя сиёсати тажрибаси ўз мамлакати учун қимматли эканини таъкидлади.

ЮНИСЕФ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

БМТнинг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) Қирғизистонга 15 миллион доллар ажратди. Мазкур маблағ 5 йил мобайнида тиббиёт ва ижтимоий дастурлар, хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, бошланғич таълим соҳаларига сарф этилади. БМТ дастури дастлаб Норин ва Талас вилоятларида амалга оширилади.

Мазкур масалани муҳокама этиш учун ЮНИСЕФнинг Марказий Осиёдаги вакили Экрем Бирердинч Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан учрашди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

АҚШ ҳукумати Тожикистон учун озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш мақсадида «Жаҳон озиқ-овқат дастури» халқаро ташкилотига 3 миллион доллар миқдорида маблағ ажратди. Мазкур халқаро ташкилот ана шу маблағга 30 минг тонна ғалла сотиб олиб, уни инсонпарварлик ёрдами сифатида Тожикистонга жўнатади. АҚШ билан Тожикистон ҳукумати ўртасида яқинда бу ҳақда шартнома имзоланди. Америкадан Тожикистонга ғалла шу йилнинг сентябрь ойи охирларида олиб келинади. 1994 йилда АҚШ Тожикистонга 35 минг тонна ғалла тортиқ этганди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ИЛҲОМИМИЗ, ИЖОДИМИЗ — МУСТАҚИЛ ВАТАНГА!

Истиқлол матбуоти ҳақида ўйлар

Дунёда ҳамма нарса оққа, ойдинликка интилади. Ҳалоллика, ҳалол кишиларга нисбатан қоғоздек оқ, покиза, деган ташбеҳ қўлланилади. Бу гапда матбуотнинг тозалигини эътироф этиш мантиғи мавжуд. Зотан, матбуот ҳамма замонларда ҳам жамиятнинг виждони бўлиб келган. Виждондек тоза, ҳалол, эзгу ва ёруғ бўлган...

Матбуот қуёшга ўхшайди. Кечаларни бедор ўтказадида, субҳи содиқда қуёш ила баробар кўчаларга чиқади. Қуёш нури табиатни ўстирганидек, матбуот зиёси тафаккурни ўстиради. Матбуотда мунавварлик бор. Шу учун ҳамма мунавварга интилади, унинг ўзи эса — истиқлолга, замонга қараб — гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона.

Матбуот ижтимоий ҳодиса сифатида Сўз ва Ёзув босиб ўтган йўлчалик масофани босиб ўтди: сўз, жумла, ахборот, саройлар ва жарчилар, давлатлар, ҳокимлар ва тошга, қояга, сўнг тери ва қоғозга битилган фармонлар. Хатлар, мактублар... Мактублар матбуотнинг сарчашмасидир.

Матбуот ўша пайтлардан бери истиқлолга интилади. Ўз интилишида халқнинг орзу-умидини ифодалайди. Миллий уйғонишга таъсир этди. Фикр ва мафкура марказига айланди, халқни бирлаштирди, илҳомлантирди, буюк мақсадлар сари чорлади. Улуғ ғояларни оддий сўзлар билан ифодалаб, ишчи-деҳқону зиёлиларнинг-да қалбига кириб борди. Жамиятнинг ривожига ҳисса қўшди.

Бизнинг матбуот ҳамиша истиқлолга зиёда интилган десак муболаға эмас. Беҳбудий, Авлоний, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Зиё Саид... уларнинг исми кўп, тақдири битта — матбуот. «Садои Туркистон», «Туркистон вилоятининг газети», «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон»... уларнинг исми кўп, йўли битта — ҳақиқат. Матбуотга сингиб кетган тақдирлар истиқлолни яқинлаштирди. Миллатимиз фидойиларининг жони сатрма-сатр, сўзма-сўз оқ қоғозга томиб қолган. Бу қутлуғ оқ қоғоз билан юзма-юз қолиш, зулму адолатсизликларда куйиб, ўз кулидан қақнус қушидек тағин бино бўлган қаламни тутиш нақадар масъулиятли.

Русия мустамлакаси даврида ўзбек матбуоти мустақил позиция даражасига кўтарилди. Ўз нуқтаи назарини шакллантирди. Зотан, матбуот — мустақил сиёсий фалсафа, дахлсиз фалсафий сиёсат демакдир. Ўзбек тилига Давлат мақоми берилиши, «ўзбек иши» ва бошқа сунъий компаниячиликларга қарши курашда, миллатнинг миллий ғуруруни кўтаришда матбуотнинг аҳамиятини бир эсланг. Ҳа, бу борада ўзбек матбуотининг юзи ёруғ.

Мустақил Ўзбекистонда тубдан янгиланган матбуот шаклланмоқда. У тафаккури озод, кўнгли эркин кишиларни, келажак кишиларини тарбиялайди. Ахир, матбуот ҳамиша жамиятнинг энг олдинги қаторида юрган. Мамлакатимизда матбуотнинг эркин ривожланиши учун барча шарт-шароитлар Конституция ва Матбуот тўғрисидаги Қонун билан кафолатланади. Фуқароларимиз фикр, сўз, эътиқод дахлсизлигидан, зарур ахборотларни излаб топиш эркинлигидан фойдаланадилар. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)»нинг «Оммавий ахборот воситалари» тўғрисидаги 63-моддасида шундай муҳрланган: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди».

Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил матбуоти истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган халқимизнинг бунёдкор меҳнатини, бу меҳнатнинг ҳар дақиқасини тарих саҳифаларида муҳрламоқда. Кишиларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий савиясини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Меҳнаткашларда келажакка ишонч руҳини тарбиялашда қоғоздек оқ ва тоза виждон билан иш тутади.

Сир эмас, матбуотимиз ҳозир оғир даврни кечирмоқда. Гоҳ қоғоз, гоҳ маблағ етмай қолади. Бу эса ўз навбатида газета ва журналлар саҳифаларида ёритилаётган мавзуларнинг мазмунига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида шундай деди: «Матбуот ва ошкораликнинг бугунги ҳаётимиз ва келажагимиз учун аҳамияти ҳақида гапириш ортиқча деб ўйлайман.

Мен бугун журналистларга, матбуот аҳлига мурожаат қилмоқчиман. Нега газеталар бунчалик саёз, «жим-жит», гўё ҳамма ёқда «олам гулистон»дек»?

Бу гап биз журналистларни ҳушёр торттириши зарур. Ўз ишимизни тубдан янгилаш хусусида чуқур ўйлаб кўришимиз керакка ўхшайди. Ахир, салафларимизнинг эътиқодларига содиқ ўлароқ, матбуот ҳамиша виждондек оқ, покиза бўлмоғи шарт. Виждонимизга ҳеч қачон ҳеч қандай гард юқмасин.

Эрталаб. Уйғонган одамлар кўчага чиқадилар. Қуёшга интиладилар. Қуёшдек иссиқ газета ва журналларга талпинадилар.

Салим АШУР,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОҒОЗДЕК ОҚ, ПОКИЗА

У кишини чеҳрасидан доимо нур таралиб турувчи, илиқ табассумли, самимий инсон сифатида қадрлашади. У — ўзбек журналистикаси ва матбуоти фидойиси, ёшларнинг ғамхўр мураббийси, фарзандларининг меҳрибон отаси, дўстларининг яхши-ёмон кунларини баҳам кўрувчи, тўю-тантаналарнинг файзи ва кўрки, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зиёд Исломович Есенбоевдир.

Дил изҳори

Зиёд ака ҳақида гапирганда, аввало, у кишининг ўзларига хос самимиятлари кўз олдимга келади. Ҳар бир одамни дилига яқин тутиб, унинг кўнглига йўл топа оладилар. Бу эса у кишининг қалби бениҳоя тозалигидан далолатдир. У босиб ўтган шонли ҳаёт йўли ҳам бунга яққол гувоҳлик бера олади.

Ўттиз тўққизинчи йилнинг кузида армия хизматига кетган Зиёд Есенбоев ўз она диёрига 1946 йилнинг ўрталарида қайтиб келди. Урушнинг биринчи кунидан бошлаб жангга кириб, кўп қийинчиликлар кўрди, дўстларидан жудо бўлди. Фашизм устидан қозонилган ғалаба тонги отгунча жанговар сафдан чиққани йўқ. Япония милитаристларига қарши жангларда ҳам фаол иштирок этиб, қадрдон она юртига, қариндош-уруғлари, дўстлари қучоғига қайтиб келди.

Урушдан кейин меҳнат фаолиятини Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетасидан бошлаган Зиёд ака Тошкент матбуот техникумини, республика газетачилик мактабини, Москва Олий партия мактабини битирган. Кўп йиллар давомида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бўлим мудири, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлаган.

Мамлакатимиздаги етакчи газеталардан бири — «Тошкент ҳақиқати»нинг биринчи муҳаррири Зиёд ака бўлганди. Унинг равнақ топишида, эл ичида танилишида у кишининг алоҳида хизматлари бор. 1961 йилда Зиёд Исломович «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири этиб тайинланди. Бу вазифада ҳам ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён этган Зиёд ака орадан кўп ўтмай республика Давлат матбуот комитетининг раиси этиб тайинланди. Йигирма бир йилдан кўпроқ мана шундай масъулиятли вазифада ишлади. Бу у кишининг нафақат яхши инсон, балки моҳир раҳбар ҳам эканликларини намоён этди. Зиёд ака раис бўлиб ишлаб юрган пайтларида кўплаб босмаханоларни барпо этишда, иқтидорли кадрларни тарбиялаб етиштиришда, матбуотнинг кучли моддий-техника базасини яратишда ўз салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Мен уларнинг кўп шогирдлари билан ҳам суҳбатда бўлганман. Шулардан бири Исмоил Сулаймонов устозлари ҳақида шундай дейдилар: «Бошларингга қилич келса ҳам тўғрисини айтинглар, айёрлик қилманглар. Самимий бўлинглар, касбимизга, дўстларингга хиёнат қилманглар, тўғри бўлсаларинг, қоқилмайсизлар, ўсасизлар, туп қўйиб, палак ёзасизлар, деб ўргатдилар. Зиёд ака шумлик нима, ғирромлик нима билмайди. Кўнгли ёш болаларникидек оқ. Ўрни келганда, қаттиққўллик қилади. Лекин асоссиз бирор кимсанинг бурнини қонатганлигини билмаймиз. Керак пайтда эса мураббийларга хос меҳрибонлик ва эътибор кўрсатади». Шогирднинг устози ҳақида шундай самимият билан гапириши сабаби у кишининг юксак маънавият эгаси эканлиги, имони мустаҳкамлигидандир. Дунёда барча бандаларига Оллоҳ бу фазилатларни инъом этади. Аммо бу хислатларни рўёбга чиқариш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Кези келганда Зиёд акага атаб ёзилган бир шеърдан тўртлик келтирмоқчиман.

Яхши фазилатингиз акс
этар юзингизда,
Одамларга муҳаббат мавж
урар кўзингизда,
Жон фидолик барқарор
ёқимли сўзингизда,
Яхшиларнинг яхшиси,
шуъласи,ўзингиз-да!

Ҳаётда кўролмаслик, ичи қоралик каби иллатлар қули бўлган кишилар учраб туради. Лекин Зиёд ака бунинг тескариси. У киши ҳаммага қўлларидан келганича ёрдамларини аямайдилар. Жуда бўлмаганда муаммонинг ечилиш йўлларини тушунтириб берадилар. Мен Зиёд акада яна бир фазилатни учратдим. Улар кишининг ёшига, мансабига қарамасдан суҳбат юритадилар. Бу ҳам у инсоннинг юксак маданиятидан дарақдир. Зиёд ака дўстларни нафақат ҳаёт вақтида, балки улар оламдан кўз юмгандан кейин ҳам эъзозлайдилар, уларнинг фарзандларига ҳам ғамхўрлик қиладилар. Отамиз Турсун Собировнинг 70 йиллик хотира маросимларини ўтказдик. Шу йигинларни ўтказишда, ташкил этишда падаримизнинг бошқа дўстлари қатори Зиёд ака ҳам яқиндан ёрдам бердилар.

Беш бор Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати этиб сайланган, йигирма тўрт йил Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг раиси бўлган Зиёд Есенбоев. Ленин ордени, икки марта биринчи даражали Ватан уруши ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ва «Қизил Юлдуз», «Халқлар Дўстлиги» орденлари, қатор медаллар билан мукофотланганлар. Зиёд ака рафиқаси Тозагул опа билан олти фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Оилада эришилган ютуқларнинг кўпи Тозагул опанинг меҳнати самараси десак муболаға бўлмас. Опа Зиёд аканинг қувончли кунларида ҳам, оғир дамларида ҳам доимо ҳамнафас, таянч бўлиб келдилар. Қаҳрамонимиз умр йўлдоши ҳақида гапирганида унинг сўзларидаги муҳаббатни, кўзларидаги таралаётган меҳрни кўриб инсон жуда тўлқинланиб кетади.

Ҳозирги кунда ҳам Зиёд ака куч-ғайратлари билан кўп ёшларга ўрнак бўла оладилар. «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг раиси вазифасида ишлаб келяптилар. Бугун матбуот ва оммавий ахборот ходимлари кунида биз у кишига соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз.

Сарвармурод СОБИРОВ.

ЯХШИЛАРНИНГ ЯХШИСИ

БИР МИЛЛИОН МАКТУБ СОҲИБАСИ

Зуҳра Аъзамхўжаева муборак олтмиш ёшга қадам қўяр экан, унинг матбуотда миллиондан зиёд мактуб қўлидан ўтганлиги кўз олдимга келади. У журналистлик фаолиятида ана шунча қувонч, шунча ташвиш ва талай муаммолар билан ошно бўлди. Шунча мактуб муаллифлари қалбини тинглади, ноҳақлик йўлида ҳақиқат эшикларини очди, кучи етмаган чоғида аризачиларга юпанч бўлди, дилхасталарга далда берди.

Дилбар аёл, меҳрибон журналист ҳозирги «Ўзбекистон овози», «Тошкент оқшоми», «Вечерный Ташкент» газеталарида қирқ йил ишлаб билими, идроки ва маҳоратини ҳаётий масалаларга бағишлади ва меҳнати зое кетмади.

Навқирон ёшингиз муборак бўлсин Зуҳра опа!

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ҚУТЛОВ!

Азиз касбдошлар — Косон туман «Шарқ юлдузи» газетаси ҳамда туман босмахона ходимлари!

Сизларни касб байрамларингиз билан чин юракдан муборакбод қиламан. Ҳаммаларингизга соғлиқ, ижодий парвозлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан ҳамкасбингиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳусен ДЕҲҚОНОВ.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг «Йилнинг энг яхши журналистик иши» учун ўтказилган анъанавий кўрик-конкурси ғолиблари қаторида газетамизнинг фан ва маданият бўлими мудири Норқобил ЖАЛИЛ ҳам борлиги жамоамизни қувонтирди. Истеъдодли журналист, истиқболли шоир Норқобил Жалил шу куннинг долзарб мавзуидаги қатор мақола ва суҳбатлари учун ана шундай мукофотга сазовор бўлди. Норқобилнинг ҳамкасблари уни бу ижодий муваффақият билан самимий табриклайдилар ва келгусида унга улкан зафарлар тилайдилар.

ОЛТМИШ ЁШГА ТЎЛАРДИ

Таниқли журналист ва ёзувчи Анорбой Қуронбоев ҳаёт бўлганида 60 ёшга тўларди. У журналистик фаолиятини вилоят «Коммунист» (ҳозирги «Андижоннома») газетасида бошлади. Шу даргоҳда тўққиз йил ишлаб, қаламини чархлагандан кейин 1965 йилда «Совет Узбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига ишга утди. Таҳририят уни газетанинг Андижон вилояти бўйича ўз мухбири қилиб тайинлади. У бу лавозимда 29 йил ишлади.

Анорбой Қуронбоев жуда кўп мақолалар, лавҳалар, фельетонлар ва очерклар ёзди. Улар вилоят, республика газета ва журналларида мунтазам босилиб турди. Кўпгина очерклари турли тўпламларда чоп этилди. Муаллиф китоблар нашр эттира бошлади. 1970 йилда «Умр ҳайкали», 1974 йилда «Денгиз чайқалади», 1977 йилда «Буз ердаги буз йигит», 1978 йилда «Жўра полвон», 1981 йилда «Сув достони», 1983 йилда «Шифокор бахти» деган китоблари нашр этилди. У «Сув достони» китоби учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофотининг лауреати бўлди. Ёзувчининг «Бўрон» номли қиссаси «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиқди. У ҳозир китоб ҳолида нашр этилиш арафасида турибди.

Анорбой Қуронбоевнинг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан журналист» деган юксак унвон эгаси бўлди. «Ҳурмат белгиси» ордени, бир неча медаллар ва Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. А. Қуронбоев 1958 йилдан Журналистлар уюшмасининг, 1983 йилдан Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эди.

Анорбой Қурбонбоев кейинги йилларда «Ўзим ҳақимда» ва «Ҳурланган муҳаббат» деган қиссалар ёзиб эди. Улар ҳозир ёзувчининг архивида сақланмоқда.

Исмоил ТЎЛАК,
филология фанлари доктори

МАТБААЧИЛИКДАГИ МЎЪЖИЗА

Ноширчилигимиз узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтганлиги маълум. Оддийгина қўл дастгоҳлари такомиллашиб, мураккаблашиб, замонавий ва қудратли машиналарга айланди. Албатта чиқарилаётган маҳсулот сифатида ҳам беқиёс ўзгаришлар юз берди. Ноширчилик саноати катта-катта ютуқларга эришиб, босқичма-босқич ҳарф терадиган, газета саҳифалайдиган ва босадиган машиналарнинг янги-янги намуналари яратилди. Фақат биргина нарса бу янгиланишлардан мустасно бўлиб қолаверди. Бу — қўрғошин эди.

Ва ниҳоят бугунга келиб, унинг ўрнини ҳам босадиган восита топилди: ҳаётимизга компьютер кириб келди. Унинг имкониятларини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Компьютер елкасига замоннинг оғир юкларини олди. Шу жумладан газета тайёрлашни ҳам.

Хўш, бундай ўзгаришлар фақат ноширчиликда эмас-ку, дейдиганлар ҳам топилиб қолар. Бунинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини газетачилар, айниқса, тушунишади. Чунки бу фақат темир дастгоҳни мўъжазгина, қучоғингизга сиғадиган компьютер билан шунчаки алмаштириш эмас, балки бутун бир даврни ортда қолдириб, янги бир даврга қадам босаётган инқилобий жараёндир.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси ҳам жуда қисқа вақт ичида тўла компьютерлаштирилди. Шу ернинг ўзида уларда ишловчи мутахассислар тайёрланди. Ҳозир бу ерда эллик тўртдан ортиқ номдаги газеталар тайёрланмоқда.

Компьютернинг эски услубдан устунликлари нимада, деган савол туғилиши табиий. Аввало бу устунлик газетанинг ташқи кўринишида яққол акс этиб туришини муштарий дарров англаб олади. Қолган имкониятларни компьютер ёнида бир неча дақиқа ўтириб, иш жараёнини кузатсангиз, билиб оласиз. Илгари соатлаб вақтда бажариладиган юмушлар лаҳзада уддаланади. Чинакам мўъжиза бу!

Ҳар қандай янгиликнинг ҳаётга кириб келиши осон кечмайди. Бундан компьютерлар ҳам четда қолмади. Дастлабки кунлари қийинчиликлар бўлди. Барча муаммоларни иш давомида босмахона билан таҳририятнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ечишга ҳаракат қилинди. Пировардида бунга эришилди ҳам.

Ҳозир бизнинг кўзимизга мўъжизадек кўринаётган компьютерлар яқин йиллар ичида келгуси авлодлар назарида оддий ва жўн бўлиб қолар, гўё бизга қўрғошин сатрлар ибтидоий кўрингандай. Шундай кунлар келсин, илоҳим.

Қодиржон ҚАЮМОВ.

ХОРИЖДАГИ ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН

Ўзбекистон Республикаси ўз истиқлолини мустаҳкамлаш, янги жамият ва давлат қуриш йўлидан дадил олга бормоқда. Жамиятни янгилаш ва адолатли ҳуқуқий давлат қуриш соҳасида қилинаётган ислоҳотлар, кундалик ҳаётдаги ўзгаришлар, мамлакатимизда кечаётган жараёнлар, эришилган дастлабки ютуқ ва якунлар, орттирилган тажрибалар асосида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тизимимизнинг тараққиёт йўллари ва қоидалари ишлаб чиқилмоқда, такомиллаштирилмоқда. Бу концепциянинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва аҳамияти Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг сўнгги уч ярим йил ичида нашр этилган асарлари, нутқлари, янги парламентимиз-Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида баён этилган. Мазкур нашр ва нутқларда илгари сурилган хулосалар, ғоялар хорижий мамлакатларга берилаётган эшиттиришларимиз дастурларига асос қилиб олинган.

Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар Республика радиоси Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси таркибидаги мустақил бўлинмадир. 1947 йилда фаолиятини фақат уч хорижий тилда эфирга чиқишдан бошлаган бу бўлинма ҳозир чет элларга бир кеча-кундузда 15 соат ҳажмда 12 тилда, яъни инглиз, немис, ҳинд, урду, араб, форс, дари, пушту, турк, хитой, уйғур ва ўзбек тилларида эшиттиришлар бермоқда. Эшиттиришларнинг ҳажми ва ахборот кўламидаги қамров салмоғига кўра Тошкент радиоси МДҲга аъзо республикалар орасида Москва Халқаро радиосидан кейин иккинчи ўрини эгаллайди. Марказий Осиё минтақасида эса чет элларга эшиттиришлар берувчи энг йирик радиостанциядир. Унда фаолият кўрсатаётган 181 ижодий ходимнинг асосий қисми олий маълумотли журналист, таржимон, суҳандон, режиссёрлардан иборат бўлиб, уларнинг бир гуруҳи Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон ва араб мамлакатларида мутахассис, таржимон сифатида ишлаган, хорижий тилларни биладиган ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Сурияда малака оширган тажрибали мутахассислардир.

Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар Ўзбекистон радиосининг асосий мақсади чет эллардаги халқларни эфир орқали Ўзбекистоннинг ҳаёти билан яқиндан таништириш ва бу ўлка ҳақида батафсил, ҳаққоний маълумот, ахборот етказиб беришдан иборат. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган вақт давомида радиомизнинг мақсад ва вазифалари, иш мазмуни янада кенгайиб, бошқа оммавий ахборот воситалари орасида мавқеи ва аҳамияти ортиб бормоқда. Чунки мазкур бўлинма бутун дунё халқлари учун Ўзбекистонни жаҳонга танитишда, республикада мустақиллик туфайли амалга оширилаётган чуқур сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий, маънавий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақидаги ахборот, маълумотларни уларнинг ўз миллий тилларида жуда тез ва ўз вақтида етказиб берувчи ягона манбадир.

Истиқлол туфайли Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда мавқеи ортиб, фаоллашиб бораётганлиги, уни дунёнинг 125 мамлакати расман тан олганлиги, 84 давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги, Тошкентда йирик ва нуфузли давлатларнинг 50 дан ортиқ элчихонаси очилганлиги, Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг чет эл мамлакатларига расмий сафарлари давомида иқтисодий, маданий ҳамкорликнинг янги - янги имкониятлари очилаётганлиги — хуллас ташқи сиёсатимиздаги буюк истиқболли долзарб жараёнлар Тошкент радиосининг фаолиятини изчиллик билан такомиллатириш зарурлигини кун тартибига қўймоқда. Ана шу масъулиятни ҳис этиб «Ахборот», «Шарқ», «Осиё», «Ватандош», Хитой учун эшиттиришлар, хорижий радио ахбороти Бош таҳририятлари ўз ишларини қайтадан кўриб чиқиб, уларнинг ҳажмини кенгайтириш чораларини белгиламоқдалар. Сўнгги уч йил ичида турк, хитой, немис тилларида бир кунда ҳар қайсиси бир соатдан эшиттиришлар берадиган бўлимлар очилди. Хорижий мамлакатларга овоз тарқатгич мосламаларининг ишини такомиллаштириш орқали Ўзбекистон ҳақида бутун дунё учун турли тилларда ахборот тарқатиш доираси кенгайди. Энди Ўзбекистондан берилаётган хорижий тиллардаги эшиттиришларни амалда дунёнинг деярли барча минтақаларида тингламоқдалар. Жумладан, жаҳоннинг 60 дан ортиқ мамлакатидан узлуксиз равишда келиб турган минглаб мактубларда хорижда Ўзбекистонга бўлган интилиш ва қизиқиш кучайиб бораётганлиги, мустақил давлатимиз тўғрисида ахборот, маълумотларга эҳтиёж ортаётганлиги Ўзтелерадиокомпанияси нинг бу иш билан шуғулланувчи мазкур бўлинмаси фаолиятини янада кенгайтириш, такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммоларни ҳал қилишни талаб этмоқда.

Тошкентдан хорижга радиоэшиттиришларнинг асосий мақсадларидан бири чет мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликнинг янги шаклларда ривожланаётганлигини, республиканинг халқаро сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқалари кўринишларини, ташқи дунё билан бевосита ва тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш учун кенг имкониятлар очилаётганини кўрсатишдан иборат. Эшиттиришларда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, консулхоналари фаолияти, илмий ва маданий алоқалар, сайёҳлар алмашиш масалалари ёритилмоқда. Хорижда яшаётган ватандошлар учун радиоэшиттиришларга алоҳида эътибор берилмоқда. «Ватандош» радиостанциясининг эшиттиришлари ватандошларимизнинг тарихий она юрт билан алоқа қилишларига кенг имкониятлар очаётган Ўзбекистон Республикасининг ҳаётини холис ва ҳозиржавоблик билан ёритмоқда. Ўзбекистон маданияти соҳасидаги материаллар ҳам хорижидаги тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу мавзудаги эшиттиришларда ўзбек рассомлари, кино арбоблари, бастакорлари, шоир, ҳофизлари ва республиканинг турли вилоятларидаги ҳаваскор жамоаларнинг ижоди ёритиб борилади. Шу билан бирга Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси — миллий анъаналари, байрамлари, урф-одатлари, эски ва янги расм-русумлари ҳақида эшиттиришлар тайёрланмоқда.

Хорижга радиоэшиттириш тарқатишнинг ўзига хос хусусияти дастурнинг юқори даражада маълумот ва хабарларга эга бўлиши кераклигини талаб қилади. Бу дастурларнинг негизини, маълум йўналишдаги радиоэшиттиришларнинг ҳажми ва тилидан қатъи назар Ахборот Бош таҳририяти тайёрлаган материаллар ташкил этади. Бу эшиттиришларнинг эфир вақтида катта салмоққа эга эканлиги радиоэшиттириш сиёсатининг бирлигини таъминлайди. Эшиттиришлар тайёрловчи бўлимлар муайян миллий жамоанинг ўзига хос миллий, диний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мавзу танлайдилар. Бундан ташқари, улар тингловчилар билан доимий ва фаол алоқаларда бўлиб, хатларига жавоб берадилар. Тошкент радиосининг хориждаги 120 дан ортиқ дўст клублари билан алоқаларини мустаҳкамлайдилар.

Тошкент радиоси тингловчилар доирасини кенгайтириш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Халқаро алоқалар миллий ассоциацияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан биргаликда тингловчилар учун радиотанловлар, викториналар ўтказиб, уларни қимматбаҳо совғалар ва мукофотлар билан тақдирлайди. Хорижий тингловчилар билан ишлаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки халқаро радиоэшиттиришларнинг самараси эфир вақти билан эмас, балки тингловчилар сони билан белгиланади.

Тошкент радиоси тингловчиларнинг тахминий сонини, уларнинг географик, ижтимоий-демографик ва психологик хусусиятини аниқлаш учун ҳар йили сўров ўтказади. Шу мақсадда барча доимий тингловчиларга уларнинг ўзи ҳақида маълумотларни, радиостанциялар эшиттиришларини тинглашнинг даврийлиги, дастурнинг тузилиши, тематик мазмуни, мусиқий безаги ҳақидаги мушоҳадаларини билдиришларини сўраб битилган сўров варақлари юборилади. Радиоэшиттириш таҳририятлари олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида тингловчилар жамоаси тўғрисида маълум маълумотлар ва ўз дастурларини тайёрлаш учун тавсиялар оладилар. Тошкент радиосида бир неча ўн йилликлар мобайнида халқаро эшиттиришлар тайёрлашнинг ўзига хос мактаби мавжуд, турли тилларда радиоэшиттиришлар берувчи таҳририятларда бу соҳада катта тажриба тўпланган. Ҳозирга қадар республикадаги биронта олий ўқув юрти халқаро эшиттиришлар соҳасида хорижий тилларни билувчи мутахассисларни тайёрламаган. Чет мамлакатларга эшиттиришлар берувчи ходимларнинг касбга оид савиясини ошириш, юксак малакали кадрлар тайёрлаш учун хориждаги йирик радиостанцияларда тажриба ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса уларга касб ва билим соҳасидаги савияларини оширишга, жаҳон радиостанцияларининг илғор тажрибасини ўзлаштиришга имкон бермоқда.

Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар Республика радиоси ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва худудий қамрови, эшиттиришлар ҳажми ва тилларини кўпайтириш, шунингдек, ўз тузилишини такомиллаштириш, моддий-техника базасини ривожлантириш билан Тошкент халқаро радиоси мақомига эга бўлишни ўзининг келажакдаги вазифаси деб билади.

Шамшодбек ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Давлат телевидение ва радио эшиттириш компанияси раиси ўринбосари.

Ислоҳот ва мактаб

«СУҲБАТИНГДИР ТИЛАГИМ...»

Умумтаълим мактабларининг ҳозир амалда бўлган адабиёт дастурига кўра Зулфия ижоди ўрта мактабнинг 7-синфида ўрганилади. Шу боис ўқувчилар дастлабки учрашувлардаёқ ўзбек шеъриятининг ўзига хос шоираси ҳақида муайян тушунчага эга бўлишлари керак. Бунинг учун ўқитувчи болаларни шоира ва улкан жамоат арбоби сифатида узоқ вақт фаолият кўрсатиб келган Зулфиянинг ҳаёт йўли билан таништириш тадбирини кўриши лозим. Дарсликда шоиранинг ўз қўли билан ёзилган таржимаи ҳоли берилган бўлиб, еттинчи синф талабаларининг шу ҳажмдаги маълумотларни ўзлаштиришлари кифоядир.

Адабиёт ўқитувчиси, асосан, Зулфия ҳаётидаги йирик фожиа — Ҳамид Олимжон улимига ҳамда шоира Зулфия ижодидаги бош мавзу — ҳижрон аламларига ўқувчилар эътиборини тортиши даркор. Зулфия шахси фақат ҳассос шоира сифатида эмас, балки вафо ва садоқат тимсоли сифатида ҳам ўқувчилар маънавий қарашларига таъсир қилишига эришмоқ ўқитувчининг кириш машғулотидаги асосий мақсади бўлиши зарур.

Ўқувчиларда шоиранинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида муайян тасаввур пайдо этилганидан кейин ўқитувчи ўқувчиларни бевосита шоиранинг ҳижрон мавзуидаги шеърлари билан таништиришга ўтади. Зулфиянинг барча шеърлари аввал ўқиб чиқилиши ва ўқувчилар билан ҳамкорликда, дарсликдаги савол ва топшириқлардан фойдаланган ҳолда таҳлил этилиши кўзда тутилади. Ўқитувчи ҳар сатридан дард силқиб турган шеърлар ҳақида ахборот бермаслиги, балки болаларнинг ана шу дардчил асарлар билан яқиндан танишишига, шоиранинг дардларини туюшларига имкон яратиши даркор.

«СЕН ҚАЙДАСАН, ЮРАГИМ»

Зулфиянинг бу шеъри Ҳамид Олимжон вафотидан бир йил кейин ёзилган бўлиб, унда ҳижрон ўтида қоврилаётган аламдийда аёлнинг туйғулари акс эттирилган. Мазкур ҳазин шеърни кўтаринкилик ёки баланд товуш билан ўқиб бўлмайди. Мабодо шундай қилинса, шоиранинг овози, унинг ғамлари ифодаси, борингки, шеърнинг бош руҳи йўқолади.

Шеър билан танишиб чиқилгач, бироз пауза сақланади. Сўнг ўқувчилардан ушбу шеър бўйича суралади. Мабодо шеърнинг матни қайсидир боланинг қалбида туйғулар уйғотишга улгурган, кимдадир фикрлар пайдо қилган бўлса, ушаларни эшитишдан зерикмаслик лозим. Чунки ўқувчининг кичкинагина кашфиёти барча адабиётшуносларнинг бир умр қилган илмий кузатишларию чиқарган хулосаларидан ҳам муҳимроқ. Шундан кейин асар таҳлилига ўтиш мумкин. Бунда ўқитувчи ҳамма фикрни ўзи айтавермайди, болалар билан бирга фикрлашишга одатланганлиги яхши. Шунда асар чинакамига таҳлил этилади.

Шоира учун Ҳ. Олимжон ҳам севимли ёр, ҳам маслакдош дўст эди. Энди у йўқ. Ирода ожизлик қилмоқда. Йиғламасликнинг, ғамга чўкмасликнинг имкони йўқ. Атрофда яқин одамлар кўпу, лирик қаҳрамон «якка-ёлғиз». Ахир унинг суйгани оламда биргина эди холос. Унинг ўрнини ўзга босиши ва қаҳрамони ёлғизликдан халос эта олиши мумкин эмас. Унинг ўзи истамагани ҳолда хаёли йўқотганини излаш билан овора. Ёрини йўқотганидан дунёнинг рангсизланиб қолишини шоира: «Бирдан қалбим кексариб» деб ифодалайди. Шеър ёзилганида шоира бор-йўғи ўттиз ёшда эди. Шеърдаги дард, ҳасратзадалик бандма-банд ошиб бораверади:

Қайга кетдинг, юрагим,
Битди бардош ва тоқат.
Суҳбатингдир тилагим,
Тилда ҳасратим қат-қат.

Ўқувчилар айрилиқнинг эўридан тилида ҳасратлар қат-қат бўлган муштипар аёлнинг руҳиятини ҳис этишлари учун ушбу мисраларнинг маъносига тушунишлари даркор. Ўқувчи билиши керакки, Зулфиянинг бошига инсоний фожиа тушган кезларда у ўз ғамини айтиш имконидан ҳам маҳрум эди. Бу ҳол шеърда, гарчи мулойим бир ҳазинлик билан «Йиғлайсан деб дўстларим таъна қилар. Нетай мен?» тарзида ифодаланаётган эса-да, бу мулойимлик замирида ададсиз алам сирқираб ётибди. Шоир аҳдида устивор. У туйғуларига ҳиёнат қилолмайди. Чунки унинг кечинмалари совимайди. Алами, ҳижрони ҳар зумда янгиланади: йўқотганини эслатувчи нарсалар кўп атрофида. Рўзғори, фарзандлари, китоблар, дўстлари!

Шоира ҳаёти билан боғлиқ ҳолда текшириш шеърнинг таъсир даражасини янада оширади. Аммо уни шахсий фожиадагина иборат тарзда изоҳлаш ҳам ўқувчиларни тўғри йўлга бошламайди. Мазкур драматик ҳолат шоира учун шахсий бўлса-да, инсон сифатида у кечираётган туйғулар болаларга ҳам бегона эмаслигига ўргу берилади.

«НЕ БАЛОГА ЭТДИНГ МУБТАЛО»

Маълумки дастурда Зулфия ижодини ўрганишга ҳаммаси бўлиб икки соат вақт ажратилган. Шунинг учун ҳам ўқитувчи вақтдан унумли фойдаланиши лозим. Дастлабки соатдаёқ шоиранинг ҳаёти ҳақида муайян маълумотлар берилиб, унинг , «Сен қайдасан, юрагим» шеъри таҳлил этилгач, «Не балога этдинг мубтало» шеърини ўрганишга тутиниш даркор. Кўпчилик ўқитувчилар қисқадай кўринган фурсат мобайнида иккита шеърни ўтиш мумкинлигига шубҳа билан қарашлари табиий. Лекин тадбиркорлик билан иш кўрилса, бир соатлик дарс мобайнида иккитадан ҳам кўпроқ шеър билан танишиш мукинлиги маълум.

«Не балога этдинг мубтало» шеъри ўқиб берилгач, дарсликдаги савол ва топшириқлар ёрдамида ўқувчилар билан биргаликда уни таҳлил этишга киришилади. Шеърда, худди аввалги шеър каби, Ҳ. Олимжон номи тўғридан-тўғри тилга олинмайди. Аммо шоиранинг ҳаёт йўли билан бирмунча таниш бўлганликлари учун ҳам ўқувчилар шеърнинг шу ҳақда эканлигини билишлари керак.

Шеър 1945 йилда ёзилган. Фожиа рўй берганига йил ўтган бўлса-да, лекин унинг аламлари эскирган эмас. «Ўтди ойлар ғам билан оқиб, Дил топмади зарра таасалло» мисраларидаги инсоний дард тасвири қўламига болалар диққатини қаратиш даркор. «Кўз очгани қўймайди алам. Бошим қўйсам қуйдирар болиш» мисраларидаги яширин поэтик маънони биргаликда топишга эришиш даркор. Аламнинг зўридан кўзини очолмайдиган ҳолга тушган, юрагидаги ғам ути туфайли бош қўйган болиши қуйдирар даражага етган ҳамда бу ҳолат ҳар сафар умид билан бир ёстиққа бош қўйган севикли ёрни ёлга туширгани туфайли ҳам бошни қуйдиргани ифодасининг шу қадар шоирона берилиши болаларни бефарқ қолдирмайди. Шоира ўз дардлари хуружининг қуюқ ифодасини бергач, Олий руҳга мурожаат этиб саволига жавоб сурайди: «Наҳот шунча масъум, шунча пок, Севишмоқда алам бор шунча». Сиртдан қараганда бу сўзлар ҳам ошиққа қаратилгандай кўринсада, аслида тақдир, қисмат сўроққа тутилмоқда.

Ўқитувчи шеърнинг шу ўрнида Ҳамид Олимжоннинг «Офелиянинг улими» шеъри билан Зулфия асари руҳидаги ўхшашликни топишга ўқувчилар эътиборини қаратса ҳам яхши бўларди.

Шеърнинг сўнгги банди ўқувчиларни уйлашга ундаши, уларга туйғулар ранг-баранглигини сезиш имконини бериши билан ажралиб туради. Фақат ўқитувчи болаларнинг шу йўналишдаги фаолиятини уюштириши лозим.

Эриб кетмагандим севгингдан,
Бўлмаслик — чун бахтингдан жудо,
Бирга қолиш учун сен билан
Куяману бўлмайман адо.

Бир юксак туйғунинг икки қарама-қарши маънолар ташийдиган байтларда ифодалинишидаги маъно назокатидан ташқари ифода ғузаллигининг болаларга кўрсатилиши улар кўзи олдида Зулфия шеъриятининг асл қимматини намоён қилади.

«СЕНСИЗ»

Зулфиянинг бу шеъри 1970 йилда ёзилган. Мазкур шеърни шоира даражасини янада ошириши. Аммо уни шахсий фожиадагина иборат тарзда изоҳлаш ҳам ўқувчиларни тўғри йўлга бошламайди. Мазкур драматик ҳолат шоира учун шахсий бўлса-да, инсон сифатида у кечираётган туйғулар болаларга ҳам бегона эмаслигига ўргу берилади.

Мана бир умрни яшадим сенсиз,
Қайтмас шодликларнинг
қайтишин кутиб.

Ўқувчилар дастлабки мисралардаёқ бепарво бўлмасликлари керак, шеърга олиб кирадиган биринчи мисраларнинг маъносини чақишга, улар замиридаги ғузалликни кўришга ўргатилиши зарур. Шодликлар ошиқ билан қабрга кирган, шу боис қайтмас. Лирик қаҳрамон буни жуда чуқур ҳис этади. Аммо инсон-да, умид билан барибир қандайдир мўъжизани кутаверади. Шу тахлит алдамчи умид билан бутун бир умр яшаб қўйилибди! Шунинг ўзи бир инсонга етгулик фожиа. Лекин шеърда тасвир даражаси пасаймайди. Чунки лирик қаҳрамоннинг ярадор қалби ҳар қандай туйғу қаршисида ҳимоясиз: Бахт ҳам, баҳор ҳам, қиш ҳам уни қийнайди. Негаки бировнинг бахти унинг бахтсизлигини эсига солади. У севиклисини унута олмайди, эсдан чиқаришга уринса ҳам буни уддалай олмайди. Ва қийналиб кетганларида хаёлан ёрига «жавобсиз суроқ беради: «Нега тирик экан, ташлаб кетмадинг?» Бу бандасининг иложсизликдан, вақт ва муҳаббат қаршисидаги ожизликдан билдирган норозилигининг сўнгги ифодаси сифатида болалар шуурига етказилиши шарт. Шоира билади ҳижрон азобли, тирик туриб айрилиш ҳар недан қийин, лекин севган кишисининг ҳаёти учун ҳар қандай азобга-да тайёр: «Билардим, қайдадир оласан нафас». Шоира лирик қаҳрамон туйғулари тасвирининг табиийлиги маромини бузмайди, унга хос бўлмаган хусусиятни тупуклаб ёпиштиришга интилмайди. Лирик қаҳрамон ҳар қандай рад этилган аёл сингари: «Биламан, рашк мени этарди ҳалок, Афзал кўрганингни қарғаб ўтардим», — деган сўзлари билан ўзининг асл туйғуларини билдиради. Ўқитувчи шеърни бандма-банд шу тахлит таҳлил қила бориши ва ўринли қўлланган тасвирга, ажойиб яратилган жонли образларга болалар эътиборини қаратиши керак.

Зулфия шеърларининг аксариятида кучли образ, порлоқ фикр кўпинча сўнгги бандда воқе бўлади. Лирик қаҳрамон ўз қисматининг таҳқирлигидан нолиб келар экан, туйғулар жунбуши борган сари юксалиб бораверади. Сўнгги бандда, ниҳоят, шоира тан олади:

Маъюс тақдирингга яшаб мен шерик,
Мушкул бўлаётир шодлик яратмоқ.

У ошиғининг қисматисиз, унинг маъюс тақдирига шерик бўлмасдан яшай олмайди. Ҳаёт эса, тирикчиликнинг кундалик гирдоби эса ундан «шодлик яратишни» талаб этмоқда. Шу боис лирик қаҳрамон суйганидан норози булади, шу сабаб алам билан унга мурожаат этади:

Нега тирик экан ташлаб кетмадинг,
Ташлаб кетмадинг-ла бошлаб кетмадинг?!

«ОЙДИНДА»

Зулфиянинг «Ойдинда» шеъри дастурда ўрганиш кўзда тутилган бошқа шеърларидан мавзу нуқтаи назаридан ҳам, руҳий йўналиши жиҳатидан ҳам ифода тарзига кўра ҳам мутлақо фарқ қилади. Зулфия шеърияти намуналарини ўрганишга ажратилган вақтнинг иккинчи соатида «Сенсиз» шеъри ўтиб бўлингач, ўқитувчи шоира ижодидаги серқирраликка икки оғизгина тухталиши даркор ва фикрининг исботи сифатида олам ғузаллиги тараннум этилган «Ойдинда» шеъри ўқиб берилиши керак. Шеър ўқилгач, адабиёт муаллими, шеърдаги ифодаларни ўқувчилар кўз олдида гавдалантиришга уриниши лозим. Шунда ўқувчи муаллифнинг ҳолатига тушади. Ойнинг «жилиб-жилмас»лигию, «булутнинг хаёлдай енгиллиги», «ой анҳорда қулун той»лигию, «гилосда шиғил-шиғил» акс этаётганлиги қандай тушунилиши болаларга етказилиши лозим. Самимий туйғулар ифодаси бўлмиш шеърдан ҳайратга туша оладиган сатрларнинг бағридаги сеҳрни ҳис қилишга қодир болаларнинг маънавий оламини шакллантириш адабиёт ўқитувчиларининг асосий мақсадидир.

Ўқувчилардан «Ойдинда» шеъри билан аввал ўрганилган «Сен қайдасан, юрагим», «Не балога этдинг мубтало», «Сенсиз» асарлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқлаш талаб этилади. Болалар шоиранинг барча шеърларига ҳам туйғуларининг пўртанали ифодаси хослигини, кечинмаларининг табиийлигини, айни вақтда «Ойдинда» шеърида фожиавий руҳ ўрнини қувонч, ҳайрат руҳи эгаллаганлигини ва бу ҳолат унинг ўзига яраша ифода тарзини талаб этганлигини айтиши мумкин. Албатта, ўқитувчи бу борада ўз ўқувчиларига йўл кўрсатиб, кўмак бериб туради.

Дастурда Зулфия шеърларини ўрганиш асосида лирика ҳақида маълумот бериш ҳам кўзда тутилган. Бунда лирик турдаги асарларга хос бўлган асосий белгиларга эътибор қаратилади. Яъни лирик асарда воқеликнинг ўзи эмас, балки унинг муаллиф туйғуларига кўрсатган таъсири ифода эттирилади. Мисол учун Зулфиянинг ҳижрон тароналарини ифодаловчи шеърлари Ҳамид Олимжоннинг ҳалокатини кўрсатишга бағишланмаган. Уша ҳалокат Зулфиянинг қалбида қандай кечинмалар пайдо қилганию, ўша кечинмаларнинг даражаларини кўрсатишга бағишланган. Агар вақт имкон берса ўқитувчи лирик турнинг ғазал, рубоий, туюқ, марсия ва бошқа жанрлари ҳақида ҳам ўқувчиларга бир-икки оғиз тушунча бериши мумкин.

Зулфия ижодини ўрганишга бағишланган машғулотлардан сўнг ўқитувчи болаларга «Ойдин кеча» ва «Зулфия шеърларида ҳижрон тароналари» мавзуида синф иншоси ёздирса мақсадга мувофиқ бўлади.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари номзоди.

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ХАНДАЛАР

Бир киши хотини билан ажрашиш мақсадида қозининг ёнига келди. Қози сўради:

— Хотинингизни исми нима?

— Билмайман!

— Қанча вақт у билан яшаяпсиз?

— Билмайман, у билан турмуш қурганимда сочимда оқ йўқ эди.

—Нега унинг исмини билмайсиз?

— Маълум вақт ўтгач, исмимни айтаман девди, ҳалигача айтгани йўқ.

***

Харидор:— Оғайни, кеча сиздан олган сутим жуда нордон чиқди-я.

Сотувчи:— Тўғри айтасиз, кеча сигиримиз ўт ўрнига лимон еб қўйувди.

***

Бир француз мутафаккири кўп йиллик ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, шундай хулоса қилибди: хотин сичқондан қўрқади, сичқон мушукдан, мушук итдан, ит ўз соҳибидан, соҳиб эса хотинидан қўрқар экан. Албатта ҳазил, тағин билмадим...

Форсчадан Бахриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.

Элина Бадаловани «қўли гул» шифокор дейишади. Сабаби у беморларнинг тиш оғриғидек бедор дардини аритишга, енгиллатишга интилади. Тўрт йилдирки Элина Бадалова «Ўзбекистон» даволаш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг стоматология бўлимида ишлайди. Ундан даво топганлар эса ўз касбининг билимдони бўлган бу шифокордан ҳамиша миннатдорлар.

СУРАТДА: Элина Бадалова иш устида.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фан-техника ривож топган бугунги кунда турмушимизнинг ҳар бир сониясини электр энергиясисиз тасаввур этиш қийин. Уйимизда чироқ ёниб туради. Турли аудио ва видео техникалардан фойдаланамиз. Агар бирор соат электр энергиясида узилиш юз берса, кенг ва ёруғ дунё кўзимизга тор бўлиб туюлади.

Шу боис ҳам электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳақни вақтида тўлаб қўйишингизни сўраймиз. Эслатиб ўтамизки, бу ишни шу йилнинг 1 июлигача бажаришингиз шарт. Акс ҳолда Сизни огоҳлантирмай туриб электр энергиясини узатиш узиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг "Ўзэнергоназорат" корхонаси.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0238.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.* *123456.*